

Сиддиков Р.Б.

Мирзо Улуғбек номидаги

ЎЗМУ, т.ф.н., доцент

ravsidd@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг мустақиллик йиллари тарихшунослиги таҳлил қилинган. Мавзуга оид тарихчи, педагог ва бошқа ижтимоий гуманитар соҳа олимлари томонидан нашр қилинган тадқиқотлар ўрганилган. Алоҳида эътибор маҳаллий ва хориж тадқиқотчиларнинг охириги йилларда Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантиштиришга қаратилган ислохотларни ўрганишга бағишланган илмий ишларига қаратилган. Шунингдек, мавзуни тадқиқ қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолари кўрсатилган.

Калит сўзлар: олий таълим тизими, тарихшунослик, глобаллашув, маҳаллий, хорижий тадқиқотлар, ислохот, муаммолар, фанлароро ёндошув.

Сиддиков Р.Б.

К.и.н., доцент НУУЗ

имени Мирзо Улуғбека

ravsidd@mail.ru

ИСТОРИОГРАФИЯ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется историография системы высшего образования и подготовки кадров Республики Узбекистан в годы независимости. Исследуются работы опубликованные по теме историками, педагогами и другими учеными общественно-гуманитарных наук. Особое внимание уделено исследованием отечественных и зарубежных ученых, посвящённых модернизацию и развитию системы высшего образования в Узбекистане в последние годы, акцентировано внимание на научных работах,

посвященных изучению реформ. Также обозначены актуальные проблемы темы, которые необходимо исследовать.

Ключевые слова: система высшего образования, историография, глобализация, отечественные и зарубежные исследования, реформа, проблемы, междисциплинарный подход.

Siddikov R.B.

Assistant professor, PhD of NUU
named after Mirzo Ulugbek

ravsidd@mail.ru

HISTORIOGRAPHY OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ABSTRACT

This article analyzes the historiography of the system of higher education and training of the Republic of Uzbekistan during the years of independence. The works published on the topic by historians, teachers and other scientists of the social sciences and humanities are studied. Particular attention is paid to the research of domestic and foreign scientists devoted to the modernization and development of the higher education system in Uzbekistan in recent years, attention is focused on scientific works devoted to the study of reforms. Current issues on the topic that need to be investigated are also indicated.

Keywords: system of higher education, historiography, globalization, domestic and foreign research, reform, problems, interdisciplinary approach.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган натижалар шунингдек, юзага келган муаммоларларни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш нафақат мамлакатимиз тарихчи, иқтисодчи, сиёсатшунос ҳамда педагог, социолог ва ҳуқуқшунос олимларни шунингдек, хорижлик кўплаб ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ортиб бормоқда. Бинобарин, глобаллашув даврида таълим-тарбиянинг жамиятни маънавий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги аҳамиятини ва барча жабҳаларни инновацион ривожланишидаги ролини инобатга олган ҳолда

ушбу мавзунини тарихшунослигини ўрганиш долзарб масала бўлиб фанлараро ёндошувни тақозо этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Маълумки Олий таълим Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади ва бир асрлик тарихга эга. XX асрни бошларида Ўзбекистонда совет ҳукмронлиги даврида дастлабки дунёвий олий ўқув юртлари ташкил қилинди ва кейинги йилларда кенг қамровли юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди. Шунинг эътиборига олган ҳолда глобаллашув даврида Ўзбекистон Республикасида замонавий олий таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши мавзусига бағишланган адабиёт ва тадқиқотларни хронологик, назарий-концептуал моҳияти ҳамда характеридан келиб чиқиб шунингдек, соҳадаги ютуқ ва камчиликларини ҳолис, қиёсий таҳлил қилиш, хорижий тадқиқотларнинг танқидий ўрганиш мақсадида уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади. Биринчи гуруҳга совет ҳукмронлиги йилларида чоп этилган илмий адабиётлар ва тадқиқотлар киради. Иккинчи гуруҳ – мустақиллик йилларида мавзуга оид нашр қилинган адабиётлар, амалга оширилган илмий изланиш ва тадқиқотларда иборат. Учинчи гуруҳ – мавзуга оид хорижий давлатларда чоп этилган адабиётлар, илмий марказлар, жамғармалар томонидан тайёрланган маърузаларни қамраб олган.

Биринчи гуруҳ адабиётлари асосан мавзуга оид Ўзбекистон тарихчи олимларининг диссертация[1] ва монографияларидан[2] иборат. Тадқиқотларнинг даврий чегараси XX асрни 20-80 йилларини ўз ичига олган ва илмий ишларда Ўзбекистонда дунёвий олий таълимни шаклланиши ва ривожланиши масалалари атрофлича ўрганилган. Тадқиқотчилар маълумотларга бой архив материалларига таяниб эътиборни Ўзбекистонда совет даврида олий таълим муассасалари тармоғининг ривожланиш жараёнларини, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларни олий таълим билан қамрови ва республиканинг ижтимоий- иқтисодий соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда олий ўқув

юртларида ўқув-тарбиявий ишларнинг йўналишлари, шакллари ва мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратдилар.

Бироқ, ушбу асарлар ўта мафкуралашган совет тарихшунослиги андозалари асосида ёзилган бўлиб ўзида уни концептуал ва услубий нуқсонларини акс эттирган. Бу, биринчи навбатда, барча эришилган ютуқларни коммунистик партия билан боғланганлигида, муаммоларни танқидий ёритилмаганлигида, юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашда мавжуд камчиликларни ҳаспўшлашда кўзга ташланади.

Ўзбекистонда университет таълимини илк бор вужудга келиши С.Холбоевнинг тадқиқотларида ўрганилган. Лекин совет ҳукмронлиги даврида замонавий миллий олий таълимнинг асосчилари жадиждларнинг фаолиятини ҳаққоний ёритишга имкон бўлмади. Олий таълимнинг кейинги даврларда республикада ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари Ф.Шарипов, А.Валиев, Ф.Насриддинов диссертацияларида кўриб чиқилган. Шу ўринда олий таълимга коммунистик партия раҳбарлигини алоҳида ўрганган илмий ишларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. С.Содиқов ва Қ.Усмонов диссертацияларида ва М.Мусаев, Ш.Каримовнинг монографияларида 60-80 йилларда олий таълимни ривожланиши ва зиёли кадрларни тайёрлашдаги партияни роли ҳамда талаба ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ёритилган бўлиб, ўша давр ҳукмрон мафкураси доирасида фақат сон кўрсаткичлари ва эришилган ютуқлар тўғрисида гап боради.

Ўзбекистонда олий таълимни ривожланишини турли аспектлари университет ва институтларнинг ташкил топиши (саналарига) юбилейларига бағишланган нашрларда ҳам ёритилган[3]. Уларда асосан эътибор олий ўқув юртларини босиб ўтган тарихий йўли ва эришилган ютуқларга қаратилган. Шуниндек бошқа ижтимоий–гуманитар соҳа вакиллари томонидан олиб борилган тадқиқотларда олий малакали кадрлар тайёрлашни республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни кўрсатилган[4]. Шу ўринда совет давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга ёндошувини алоҳида ўзида акс эттирган монографияларга

тўхталиб ўтиш лозим[5]. Ушбу адабиётларда советлар ҳукмронлиги даврида собиқ иттифоқ миқёсида олий таълимни шаклланиши ва 80 йилларнинг ўрталаригача бу соҳада бўлган ўзгаришлар, олий малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириб бориши, иттифоқдош республикаларда миллий кадрлар тайёрлашдаги коммунистик партиянинг роли ва юқори малакали кадрларни тайёрлашни тўхтовсиз ўсиб борганлигини ҳамда эришилган ютуқларни кўрсатишга урғу берилган. Шунингдек таъкидлаш жоизки совет олий таълим тизимини ривожланиш амалиётидаги кўплаб деформациялар ва салбий оқибатлар совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган тадқиқотларда эътибордан четда қолди. Мафкуравий тазйик ва сиёсий цензура натижасида тадқиқотчилар олий таълим тизимининг нуқсонлари ва камчиликларини четлаб ўтишга мажбур бўлдилар.

XX асрнинг 80 йиллари ўртасида бошланган Марказнинг “қайта қуриш” сиёсати йилларида ошкоралик натижасида тарихий тафаккурда маълум ижобий ўзгаришлар бошланган бўлсада, тарихий жараёнларни объектив акс эттиришда фақат дастлабки қадамлар қўйилди. Қайта қуриш сиёсати совет бошқарувининг нуқсонларини ўзида мужассам қилган таълимнинг барча бўғинларини ҳам қамраб олди. Ўтган даврда шаклланган совет олий таълим тизимининг замон талабларидан орқада қолганлиги эътироф этилди ва мамлакатда 1987 йилда олий ва ўрта махсус таълимни навбатдаги ислоҳ қилиш бошланди[6]. Ошкоралик совет таълим тизимидаги йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни республика ва иттифоқ миқёсида очиқ муҳокама қилиш имконини берди[7]. Қайта қуришни дастлабки йилларида тадқиқотчилар С.Содиқов, К.Оқилов, Қ.Усмонов ва Р.Қурбоновлар монграфия ва диссертацияларда илк бор Ўзбекистон олий таълим тизимидаги мавжуд айрим камчилик ва муаммолар қисман кўрсатиб берилган. Шунингдек, марказ тадқиқотчилари педагогика, тарих ва социология соҳаси олимлари М. Руткевич, Л. Рубина, Н. Хроменков, В.Миронов ва Ф.Филипповнинг монографияларида таълим тизимидаги мамурий буйруқбозлик, авторитаризм, уни ўрта-миёна оммага мўлжалланганлиги, совет таълим тизимининг асосан

экстенсив ривожланганлиги, кадрлар сифатини пасайиб кетганлиги, фан техника ютуқларини таълим тизимига жорий қилинмаганлиги ҳамда 70 йилларда жаҳон таълим маконида бошланган ўзгаришлар ва тенденцияларни инобатга олинмаганлиги, 80 йиллардан бошлаб таълимнинг молиялашни камайиб борганлиги ҳамда уни оқибатлари кўрсатиб берилди.

Айни пайтда қайта қуриш даврида ғоявий, маънавий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг соатларини кўпайтириш ва талабаларни коммунистик руҳда тарбиялашни янги поғонога кўтариш вазифалари қўйилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнггина олий таълим тарихини холисона, ҳаққоний тадқиқ қилиш ва ўрганиш учун зарур методологик асослар шаклланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида тарихчи ва бошқа ижтимоий–гуманитар соҳа вакиллари томонидан ёзилган иккинчи гуруҳ тадқиқотлари холисона таҳлил, эскича қараш ва стереотиплардан воз кечилганлиги, янги концептуал аппарат ҳамда Ўзбекистон олий таълими тарихини ўрганишга янгича илмий ёндошув билан ажралиб туради. Мустақилликни дастлабки йилларида А.Маврулов, Н.Куватов, Р.Холиқова, Ю.Эргашева, И.Шамсиева диссертацияларида кўплаб манбалар таҳлили асосида XX аср бошидан то мустақилликгача бўлган даврда мамлакатда олий таълимни ривожланиш тенденция ва хусусиятлари, юзага келган муаммолар ҳамда уларнинг маданий ҳаётга таъсири масалалари янги методологик асосда ўз аксини топди[8].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ислохотлар бошланди. Таълим ислохотларининг дастлабки даврида 1992-1997 йиллар оралиғида педагоглар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда эски совет таълим тизимининг асосий муаммолари ва зиддиятлари уларнинг жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларга мос келмаслиги кўрсатилди, шуниндек миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини

мустаҳкамлаш, замон ва бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга қаратилган таклифлар берилди[9].

Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиш 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилиниши билан бошланди[10]. Кўрсатилган адабиётларда Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг яратишга қаратилган чора-тадбирлар, унинг вазифалари ва замон талабига жавоб берадиган, ўзида илғор хорижий тажрибани акс эттирган ислохотларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Шунингдек Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг илмий-педагогик моҳиятини акс эттирган С.Очилов, Б.Қодиров, Р.Ахлиддинов, М. Саидов, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалиловларнинг бир қатор ишлари ҳам алоҳида таъкидлаш лозим[11]. Юқорида келтирилган рисолаларда мавзун назарий ва амалий томонлари, Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатини мазмун моҳияти ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичини амалга ошириш натижасида таълимнинг барча бўғинларида бўлган ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Бундан ташқари Ш. Қурбонов, З. Қосимова, Н.Қушвақтов, Д. Рўзиева, С. Базарова, А.Арипджанова, С.Каримбеков ва бошқаларни[12] диссертацияларда ҳамда мақолаларда[13] Ўзбекистонда икки босқичли олий таълим тизимини шаклланиши ва ташкилий тузилиши, унинг назарий-педагогик асослари, олий таълимга янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш, касбий таълимни такомиллаштириш, олий таълим тизимида маънавий-тарбиявий ишларни йўналишлари, соҳадаги интеграцион жараёнлар ва уни халқаролашуви масалалари ёритилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олий таълим тизимидаги амалга оширилган ислохотларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молиялаштириш, глобаллашув шароитида инсон капиталини сифати ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, таълим, фан, ва

ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция ҳамда таълим менежменти масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари тадқиқотларида, мақола ва монографияларида ўрганилган[14]. Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг иқтисодий асослари ҳамда уни йўналишлари, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги ислохотларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири М.Саидов, Г. Ахунова Қ. Алимджанов, А. Кучаров, А.Эшбаев, Т.Тешабаева ва бошқаларни диссертацияларида таҳлил қилинган[15].

Шунингдек иқтисодчи олимлар томонидан Ўзбекистон олий таълим тизими ва уни ташкилий тузилиши, таълим–тарбия сифати ва қирралари, бакалавриятга оид таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, факультет ва бўлинмалари ҳақида маълумотномалар тайёрланди[16].

Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларни бориши жумладан олий таълим тизимидаги ўзгаришлар ва юзага келган муаммолар, истиқболдаги вазифалар Иқтисодий тадқиқотлар маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастури доирасида маҳаллий экспертлар томонидан тайёрланган бир нечта таҳлилий маърузаларда ўрганилган[17].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимини ривожланишини меъёрий-ҳуқуқий асослари таълимга оид норматив ҳужжатлар тўпламлари ва ҳуқуқшунос олимлар Ш.Асадов, Б.Рахимов , Б.Қодиров, А.Таджиев, В. Топилдиев мақола, диссертация ва ўқув қўлланмаларида тадқиқ этилган[18].

Ўзбекистон Республикасида замонавий узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга кўрсатган таъсири масалалари сиёсатшунос ва файласуф тадқиқотчилар С.Жўраев, Л.Тангриев, Ҳ.Ёрқулов, М.Давлетова, З.Мухамедова ва бошқаларни диссертация ва мақолаларида таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда шунингдек, давлатнинг ёшларга оид сиёсатида таълим тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳам кўрсатилган[19].

Ўтган даврда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда дастлабки эришилган натижаларни муҳокама ва таҳлил қилиш,ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда истиқболдаги вазифаларни аниқлаб олиш мақсадида бир нечта халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди[20]. 2008 йил 22-23 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган ”Ўзбекистонда Олий таълим ва илм-фаннинг ривожлантиришда Миллий университетнинг роли”мавзусида халқаро илмий анжуманда олий таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар сарҳисоб қилинди ва Миллий университет Марказий Осиёда етакчи илм-фан маркази сифатида эътироф этилди.Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан 2012 йил 16-17 февралда жаҳоннинг 48 давлатидан ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган “Билимли ва ақл заковатли етук авлодни тайёрлаш–мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг ўзбек моделини глобаллашув даври талабларига мос эканлиги таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг шаклланиш жараёнлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошириш босқичлари ва натижалари ҳамда олий таълимнинг ривожланишини тарихчи олимлар янги методологик асосда ўз мақола ва рисолаларида[21] таҳлил қилдилар. Ш.Шарапов, Р.Муртазаева, Э.Сейтхалилов, А.Дониёров, Р.Ўрозбоева,Ш Рахматуллаев, Д.Васиева, Ю.Эргашева, тадқиқотларида Ўзбекистонда олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда амалга оширилган дастлабки ислоҳотлар, илмий педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар,глобаллашувни университет таълимига кўрсатган таъсири,икки босқичли олий таълим тизимини шаклланишининг айрим жиҳатлари ўз аксини топган.

Шунингдек Д.Алимованинг рисоласида ҳамда ЎзР ФА Тарих институти “Тарихшунослик ва манбашунослик ”бўлимида муаллифлар жамоаси

томонидан тайёрланган монографияда мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар ва юзага келган муаммолар қисман ёритилган[22]. Бундан ташқари тарихчи олимлар Р.Сиддиқов, Д.Васиева, Т.Хатамов, Р.Ўразбоева, Ў.Хошимов, Ш.Боймуродов, Ў.Абдуллаев, Ф.Атажанова, ва У.Элмуратованинг диссертация ишларида Ўзбекистон таълим тизимининг барча бўғинлари учун олий ўқув юртларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларининг баъзи бир жиҳатлари ёритилган[23]. Шу ўринда Д. Васиева томонидан тайёрланган Ўзбекистонда мустақилликни дастлабки йилларида университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари тадқиқ этилган диссертация алоҳида эътиборга лойиқ. Диссертациянинг даврий чегараси 1991-2001 йилларни ўз ичига олган бўлиб Ўзбекистон таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги дастлабки ўзгаришлар, университет таълимининг ривожланиши, бу соҳадаги давлат сиёсатининг йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда университетларда илмий фаолият ва халқаро ҳамкорлик масалаларини айрим жиҳатлари таҳлил этилган. Аини даврда Ўзбекистон олий таълим муассасалари тарихига бағишланган ҳамда соҳадаги ислоҳотларни бориши ва дастлабки натижаларни таҳлил қилган рисола ва монографиялар ҳам яратилди[24].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари тарихчи олимлар, Э.Нуриддинов, Л.Худайкулова ва А.Султанов диссертацияларида маълум даражада ўрганилган. Аммо ушбу тадқиқотлар фақат 1991-2001 йилларни қамроб олган[25].

XXI аср олий таълим соҳасига глобаллашув билан боғлиқ янги тенденциялар ва янги муаммоларни олиб кирди. Ушбу жараён дунёни барча олий таълим тизимларига таъсир қилди ва ҳозирги кунда жаҳон таълим маконига тўлиқ иштирокчи ва шерик сифатида кириш кўплаб университетлар учун энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Шунини таъкидлаш керакки, охирги йилларда Ўзбекистонда ушбу мавзуга қизиқиш ортган бўлса, учинчи гуруҳ хориж адабиётларида олий таълимни глобаллашуви масалалари

яқин[26] ва узоқ хориж[27] мамлакатлари тадқиқотчилари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан аллақачон фаол ўрганилмоқда.

Уларнинг тадқиқотларида “олий таълимнинг глобаллашуви”га оид кўплаб асосий масалалар ёритилган, яъни олий таълимнинг билимга асосланган иқтисодий шакллантиришдаги роли ва аҳамияти, уни оммавийлашуви, халқаролашуви ҳамда унификациялашуви, стандартлаштириш, трансмиллий таълимни ривожланиши, масофавий таълим, таълим хизматлари халқаро бозорини шаклланиши ва рақобатни кучайиши, глобал ва минтақавий тенденциялар, миллий таълим тизимларининг ўзига хослигини йўқолиб бориши ҳавфи ва бошқалар. Шу ўринда Ф.Алтбах[28] раҳбарлигида ЮНЕСКО (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization) экспертлари томонидан 2009 йилда бўлиб ўтган Олий таълимни ривожлантиришга бағишланган Бутунжаҳон конференциясига тайёрланган маърузада олий таълим маконидаги глобал жараёнлар ва асосий тенденциялар атрофлича кўрсатиб ўтилганини таъкидлаш керак.

Ҳозирги кунда “тадқиқот университетлари”ни илм-фаннинг ривожлантиришдаги аҳамияти ва жамиятда тутган ўрни масалалари Жаҳон банки томонидан тайёрланган монографияда тадқиқ этилган ҳамда университет таълимининг янги архитектурасини шакллантириш жараёнлари таҳлил қилинган[29].

Хорижда эълон қилинган, бевосита мустақил Ўзбекистонда глобаллашув шароитида олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларни турли илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тайёрланган илмий ва илмий-оммабоп асарлар ҳамда олимлар томонидан chop этилган мақолалар ташкил этади. Жаҳон банки томонидан бевосита Марказий Осиё давлатлари экспертлари иштирокида 2007 йилда нашр этилган “Марказий Осиёда олий таълим: модернизациялаш вазифалари” деб номланган тадқиқот Ўзбекистон билан биргаликда Қозоғистон, Қирғизстон, Тожикистонда пост совет даврида олий таълим соҳасида амалга оширилган

ислоҳотлар ва ўзгаришларни ўрганишга бағишланган дастлабки таҳлилий асар ҳисобланади[30]. Марказий Осиё ёш мустақил давлатларида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар, қайд этилган давлатлар таълим тизимига янгича талабларни шакллантирди. Мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам таълимнинг барча турларини ислоҳ қилишга киришилди. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этилиши натижасида узлуксиз таълимни асослари яратилди. Бироқ ҳисоботда таъкидланганидек асосий эътиборни мактаб ва ўрта махсус касб хунар таълимига берилиши натижасида олий таълимдаги ислоҳотлар ижтимоий эҳтиёжлардан орқада қола бошлади. Кейинги йилларда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ўзгаришларга бағишланган алоҳида ҳисоботларда[31] ислоҳотларни амалга оширишда эришилган натижалар таҳлил қилинган бўлиб, шунингдек юқори малакали кадрлар тайёрлашда юзага келган муаммолар, яъни олий таълимнинг қамровини ва сифатини пастлиги, уни марказдан режалаштирилиши, олий таълимни етарлича молиялаштирилмаганлиги, ОТМларда академик, ташкилий ва молиявий мустақиликни йўқлиги, кадрларни меҳнат бозори талабига жавоб бермаслиги ва бошқа вужудга келган камчиликларни объектив ва субъектив сабаблари кўрсатилган ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар берилган.

Ўзбекистондаги ТЕМПУС (Trans-European Mobility Programme for University Studies) Миллий офиси томонидан тайёрланган ҳужжатларда[32] давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати йўналишлари, уни ривожланиш тенденциялари ва муаммолари, ОТМларнинг қанчалик Болония жараёнига мослиги ва уларни Темпус ҳамда Эразмус Мундус дастурларидаги иштироки масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида олий таълимни ривожланиши ва ислоҳ қилинишини айрим жиҳатлари хорижлик тадқиқотчилар Ж. Вейдман ва Б. Йодер томонидан ўрганилган бўлиб, Мўғилистон ва Ўзбекистонда Совет иттифоқи инқирозидан кейинги ўтган 20

йилда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни таълим соҳасидаги ислохотларга кўрсатган таъсири, ҳуқуқий-меъёрий, молиявий, тузулмавий ҳамда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ўқув режа ва дастурларда таълимни барча бўғинларида амалга оширилган ўзгаришлар солиштирилган ва қиёсланган[33].

Кейинги йилларда хорижда кўплаб олимлар томонидан тайёрланган мақолаларда тарихий экскурс билан биргаликда Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейинги даврда Ўзбекистонда олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар, юзага келган муаммолар таҳлил қилинган[34]. Буюк Британия илмий марказларида тадқиқот олиб борган Ўзбекистонлик олимлар К.Рўзиев, Д.Рустамов, У.Бурхонов ўз тадқиқотларида Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотларни ҳар бир босқичида бўлган ўзгаришлар билан биргаликда соҳадаги камчиликлар, муаммолар ва ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб берганлар.

Қозоғистонлик олима Г.Азимбаева ўз мақоласида совет ҳукумронлигини охирги даврида ва мустақиллик йилларида Россия, Ўзбекистон ва Қозоғистон олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотларни натижалари, фарқлари ва ўхшашликларига ўз эътиборини қаратган[35]. Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат томонидан бошланган ислохотлар натижасида мамлакат олий таълим тизимининг қиёфасини тубдан ўзгариши ва уни замон талаблари асосида халқаролашуви масалалари ҳамда Россия Федерацияси билан олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги ҳамкорлик Е.Троицкий, С. Юн мақолаларида илк бор янгича қарашда таҳлил қилинди[36].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда Олий таълимнинг ислох қилиниши ва ривожланиши (1991-2021 йиллар) мавзуси ўтган даврда амалга оширилган Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг шаклланишига бағишланган тадқиқотларда алоҳида ўрганилмади. Илмий тадқиқотларда мустақиллик йилларида олий таълимда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар асосан турли ижтимоий гуманитар соҳа вакиллари

томонидан айрим жиҳатларини ўрганиш билан чекланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини муваффақиятли ҳаётга татбиқ этишда тўпланган тарихий тажрибани фанлараро ёндошув асосида ўрганиш, яхлит ҳамда кенг қамровли таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлиб долзарб масала бўлиб қолмоқда.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Валиев А.К. Развитие высшего образования в Узбекистане в послевоенные годы (1946-1955 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1956; Шарипов Ф. Развитие высшего образования в Узбекистане (1929-1941 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963; Насриддинов Ф. Развитие высшего образования в Узбекистане (1959-1965 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968.

2. Садыков С. Очерки развития высшего образования в Узбекистане (1956-1968 гг.), - Ташкент: Фан, 1969. - 224 с.; Садыков С. Высшая школа - кузница подготовки кадров. - Ташкент: Узбекистан, 1973. - 226. ; Шу муаллиф Очерки развития высшего образования в Узбекистане. – Т., 1986.; Агзамова Р. Высшее образование в Узбекистане. - - Ташкент: Узбекистан, 1969. - 40 с.; Рахманов Х.Р. Развитие педагогического образования в Узбекистане. Ташкент: Узбекистан, 1976. - 176 с.; Абдурахманов Г. Высшая школа Советского Узбекистана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1977. - 256 с.;¹⁵⁰ лет Ташкентскому государственному медицинскому институту. - Ташкент: Медицина, 1970. - 40 с.; Самаркандский государственный университет. Краткий исторический очерк (1927-1977 гг.) - Ташкент: Фан, 1976. - 208 с.; Ташкентский политехнический институт имени Абу Райхан Беруни. книга №1., №2., - Ташкент: Укитувчи, 1979. - 483 с.; Очерки истории ТашГУ. - Ташкент: Фан, 1980. - 234 с.; Самаркандский государственный медицинский институт им. И.П.Павлова: Краткий исторический очерк (1930-1980). - Ташкент: Медицина, 1980. - 179 с.; Ташкентский институт народного хозяйства. - Ташкент: Фан, 1981. - 176 с. ва бошқалар.

3. Валиев А.К. Формирование и развитие советской интеллигенции в Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1966. - 159 с.; Унинг ўзи: Советская национальная интеллигенция и её социальная роль. Ташкент: Фан, 1969. - 227 с.; Ўша муаллиф: Октябрь, культура, интеллигенция. - Ташкент: Узбекистан, 1977. - 199 с.; Аманов К. Производственно-техническая интеллигенция Узбекистана (Методологические и социологические проблемы), - Ташкент: Фан, 1975. - 143 с.; Интеллигенция Узбекистана: место и роль в обществе.- Ташкент: Фан, 1987. - 189 с.

4. Высшая школа СССР за 50 лет (1917-1967). Под. ред. проф. В. П. Елютина.- М.: Высшая школа. 1967.-272 с.; Высшая школа, 1971. - 100 с.: Шу муаллиф. Высшая школа общества развитого социализма. - М.: Высшая школа, 1980.- 560 с.;

5. Основные направления перестройки высшего и среднего специального образования в стране: Сборник документов и материалов. М.: Высшая школа, 1987. – 77 с.;

6. Садыков С.Очерки развития высшего образования в Узбекистане. – Т., 1986.; Акилов К.А. Исторический опыт решения проблемы кадров народного хозяйства и культуры в Советском Узбекистане. - Автореф. дис.... докт. ист. наук. - Т., 1987; Садыков С.С. Развитие народного образования в Узбекистане. - Т., 1988;

7. Руткевич М.Н., Рубина Л.Я. Общественные потребности, система образования, молодежь.-М.:Политиздат,1988.-224с.;Хроменков Н.А. Образование. Человеческий фактор. Общественный прогресс.-М.: Педагогика,1989.-192 с.; Миронов В.Б. Век образования. – М.: Педагогика, 1990. – С. 144.; Филиппов Ф.Р. Школа и социальная развитие общества.-М.: Педагогика,1990.-160 с.

8. Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе. Общее состояние. Проблемы. Тенденции развития (середина 70-х -1990 гг.):Автореф. дисс. ...докт. ист. наук. – Т.: 1993; Куватов Н.Б. Подготовка и воспитание

педагогических кадров в Узбекистане: опыт и проблемы (1980-1990 гг.):

Автореф. дис... канд.ист.наук. – Т., 1994. – 21 с.;

9. Зарипов А. Эски мактаб эскирганми? //Маърифат, 1992. 8 апрель;
Зарипов Б. Илму маърифат – истиклол таянчи.// Халқ сўзи. 1994. 23 февраль.
Тарбияга муҳтож тарбия. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 24 апрель;
Юсупов Фазыбеков В. Светлое будущее молодого поколения. // Маърифат.
1993.15 сентябрь; Турсунов И. Илм – истиклол чароғи. // Маърифат. 1994. 30
март;ва бошқалар.

10. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.:
Шарқ,1997; Ўзбекистон Республикаси “ Таълим тўғрисида”ги Қонуни. — Т.:
Ўзбекистон,1997; Кадрлар тайёрлаш миллий дастури//Олий таълим:меъёрий
хужжатлар тўплами. — Тошкент:Шарқ. 2001;

11. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. –Т.:
Ўқитувчи,1998; Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва
йўналишлари. – Т.: Ўқитувчи, 1999; Ахлиддинов Р.Ш., Саидов М.Х.
Управление образованием в Узбекистане. – Т., 1999. Курбонов Ш.
Сейтхалилов Э. Непрерывное образование в Национальной модели
подготовки кадров. – Т.: Маърифат,1999.

12. Курбонов Ш.Э. Социально-педагогические особенности
национальной модели и программа по подготовке кадров. Автореф. дисс...
док-ра. пед. наук. -Т.: 2000.;Қосимова З.Х.Талаба ёшларда мафкуравий
иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари(олий ўқув юртлари
маънавий маърифий ишлари мисолида).пед.ф.н.илмий даражасини олиш учун
тайёрланган дисс.-Т,2004;Қушвақтов Н.Х. Талабаларни миллий-маънавий
кадриятларни ўрганишга тайёрлашнинг педагогик ва компьютерли асослари.
Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006;

13. Ходжаниязов С.Международное сотрудничество - как важный
фактор формирования инновационной образовательной среды.// «Ta'lim
tuammolari». -Ташкент,2011.- №1.- С.76-79. Шокирова Х. Таълимда

инновацион технологияларнинг ўрни. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2013; ва бошқалар.

14. Гулямов С., Бекмурадов А. Академизм, приумноженный на профессионализм // Народное слово. 1997, 28 мая; Ахлиддинов Р.Ш., Саидов М.Х. Управление образованием в Узбекистане. – Т., 1999; Исманов М.А. Менеджмент и инновации современного профессионального образования. – Т., 2000;

15. Саидов М. Х. Экономические основы государственной политики высшего образования в Республике Узбекистан. Дисс. Док. экон .наук – Москва, 2001. – 286 с.; Ахунова Г. Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: Иқт. фан. док....дис. – Тошкент, 2004. – 268 б.; Алимджанов Қ. С. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари: Иқт. фан. ном.... дис. – Тошкент, 2004. – 159 б.;

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари:Маълумотнома / Тузувчилар М.Х.Саидов ва бошқ.-Т.,2000.-175 б.; Олий таълим (луғат-маълумотнома) / Туз.М.Х.Саидов , Л.И.Перегудов, З.Т.Тохиоров;Ўзбекистон Республикаси “Истеъдод” жамғармаси.-Т.,2003.-451 б. Ўзбекистон республикаси Олий таълим муассасалари маълумотнома.

17. Национальный отчет о реформах в сфере высшего и гендерного образования в Узбекистане. Ташкент, 2005. – 37 с.;Доклад о человеческом развитии.Образование в Узбекистане:баланс спроса и предложения /Коллект.авт.Рук.Г.Саидова.Ташкент,2007/2008.-204с.;Таҳлилий тавсиянома.Ўзбекистонда олий таълим.-Т.:БТМТД Ўзбекистондаги ваколатхонаси.2009.№1(12)-16 б.;Высшее образование в Узбекистане:факторы,сдерживающие потенциал инновационного развития. Центр экономических исследований. – Ташкент, 2009. – 64 с.; Повышение качества общего среднего образования в Узбекистане: приоритет-педагогические кадры. Центр экономических исследований. – Ташкент, 2010. – 49 с.;

18. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм. -Т.: 1998; II қисм. -Т.: 1999.; Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари.-Т.: 2001.; Давлетова М. Ўзбекистонда таълим қонунчилигининг ривожланиши. – Т., ТДЮИ, 2003. – 97 б. Олий Таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. / Р.С.Қосимов умумий таҳрири остида. Т.: Истиқлол, 2004. – 512 б.; Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. -776 б. Кодиров Б.Б. Организационно-правовые вопросы системы высшего образования в Республике Узбекистан. Право и жизнь. 2019. № 1. С. 99-105.

19. Жураев С.А. Особенности формирования государственной молодёжной политики Республики Узбекистан в переходный период: теория и практика. Автореф. дисс...док-ра полит. наук. -Т.: 1994.; Тангриев Л.Х. Ёшлар-сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Сиёсий фанлар номзоди...дисс.Автореф. –Т.: 2001.; Ёркулов Ҳ.О. Ўтиш даври давлат сиёсатида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари. Автореф. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун. 2007.

20. Национальная программа по подготовке кадров: результаты и перспективы реформ: Мат.межд.научно-практ. конф./ Отв. ред. Имамов Э.З., Сейтхалилов Э.А., Дадаев Т.Ш. –Т.: Молия, 2000. –160 с.;

21. Васиева Д.И.,Эргашева Ю.А. Таълим соҳасидаги ислохотлар: ҳолати ва муаммолар// Халқ таълими.- Тошкент,2001.-№4.-Б.55-59;Васиева Д.И.Ўзбекистонда университет таълимнинг шаклланиши//Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари.ҚМЙИнинг 10 йиллигига бағишланган республика илмий- назарий конференцияси материаллари.- Қарши,2002.-Б.36-38.

22. Алимова Д.Краткая история народного образования в Узбекистане (с конца XIX в по настоящее время).-Т.,2012.-60 б.; Алимова Д. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги (Очерклар). I-том. – Т

Тошкент: Тафаккур қаноти, 2015; Алимова Д. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги (Очерклар). II-том. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017.

23. Сиддиқов Р.Б. Среднее специальное профессиональное образование Узбекистана в период советского тоталитаризма и в годы независимости (1945-2001 гг). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002; Хатамов Т.А. Ўзбекистон умумтаълим мактаблари таълим ислохотлари тизимида: муаммолар, ечими ва истикболи (1991-2009 йй.). Тарих фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2010; Уразбаева История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XIX- начало XXI вв): Автореф. дисс.... док. ... ист. наук. Т., 2012.; Хошимов Ў.Қ. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида таълим соҳасидаги ўзгаришлар. Тарих фан. (PhD) док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2020; Боймуродов Ш.Т. Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўзгаришлар (1991-2016 йй.). Тарих фан. (PhD) док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2020.; Абдуллаев Ў.Ш. Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш тизимидаги ютуқлар ва муаммолар (1991-2018 йй.). Тарих фан. (PhD) док. ... дис. автореф. – Қарши, 2021. Атажанова Ф.Э. Хоразмда таълим ва илм фаннинг ривожланиши (1991-2017 йй.). Тарих фан. (PhD) док. ... дис. автореф. – Нукус, 2021. Элмуратова У.Ф. Ўзбекистон таълим тизимида инновацияларнинг татбиқ этилиш жараёнлари (1991-2016 йй.). Тарих фан. (PhD) док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2022.

24. Холбоев С. ва бошқ. ТошДУ – илм ва маърифат маскани. – Т., 1995; Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. – Т.: "Шарқ", 2003. – 128 б.; Мўътабар зиё маскани (1918-2008). – Тошкент.: Фафур Гулом номидаги нашриёт, 2008;¹ Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие проблемы: Автореф. дис... докт. ист. наук. — Т.: 2000. – 58 с.; Худайкулова Л.С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским Союзом. 1991-1999 гг. (Программа Тасис Темпус).:

Автореф.дис...канд.ист.наук.—Т.:ТашГУ, 2002.—28 с.Султанов А.В. История сотрудничества Узбекистана со странами Европы в гуманитарной сфере 1991-2001 гг.: Автореф.дис...канд.ист.наук. — Т.:ТашГУ, 2006. – 30 с.

25. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. – Париж: ЮНЕСКО, 1998.; Колин К. Информационная глобализация общества и гуманитарная революция. – М., 2002; Садовничий В.А. Университеты России в XXI веке: замысел программы. – М., 2002; Галушкина М. Экспорт образования. – М., 2004; Лукичев Г.А. Трансграничное образование. – М., 2004; Нечаев В.Я. Параметры глобализации и факторы Болонского процесса. – М., 2004; Гранин Ю. Образование в контексте глобализации. – М., 2004;

26. Currie J., Newson J. Universities and Globalization: Critical Perspectives. – London, 1998; Scott P. The Globalization of Higher Education. – Buckingham, 1998; Tomlinson G. Globalization and Culture. – Cambridge, 1999; Gallagher M. Corporate Universities: Higher Education and the Future. – Sydney, 2000; Burdules N.C., Torres C.A. Globalization and Education: Critical Perspectives. – New York, 2000; Lechner F.J. The Globalization Reader. – Oxford, 2000; Like A., Luce C. A Situated Perspective on Cultural Globalization. – New York, 2000; Rizvi F. International and the I Production of the Global Imagination. - New York, 2000; Макбурни Г. Глобализация: новая парадигма политики высшего образования/ Пер. с англ. – М., 2001;

27. Trends in Global Higher Education: Tracking an Academic Revolution Executive Summary A Report Prepared for the UNESCO 2009 World Conference on Higher Education. Philip G. Altbach. Liz Reisberg, Laura E. Rumbley. Published in 2009 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization.

28. The road to academic excellence: the making of world-class research universities / edited by Philip G. Altbach and Jamil Salmi. 2011 The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank <https://documents1.worldbank.org/curated/en/688061468337210820/pdf/The-road-to-academic-excellence-the-making-of-world-class-research-universities.pdf>.

29. Mertaugh M. 2004. Education in Central Asia, With Particular Reference to the Kyrgyz Republic. The Challenge of Education in Central Asia. Greenwich, Information Age Publishing.; Brunner J. J. and Tillet A. Higher Education in Central Asia: the Challenges of Modernization.
30. World Bank. Uzbekistan: Modernizing Tertiary Education. Report No 88606-UZ. Washington D.C.: World Bank, 2014.-137.p. <https://www.worldbank.org/content/dam/Worldbank/document/eca/central-asia/Uzbekistan-Higher-Education-Report-2014-en.pdf> .; World Bank. Uzbekistan Education Sector Analysis Final Report . December 27, 2018 .- 119.p. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/379211551844192053/pdf/Uzbekistan-Education-Sector-Analysis.pdf>;
31. Uzbekistan_review_of_higher_education. http://eacea.ec.europa.eu/tempus/participating_countries/reviews/uzbekistan_review_of_higher_education.pdf; Overview of the Higher Education System Uzbekistan. https://eacea.ec.europa.eu/sites/eacea-site/files/countryfiche_uzbekistan_2017.pdf;
32. Weidman J. and Yoder B. Policy and Practice in Education Reform in Mongolia and Uzbekistan During the First Two Decades of the Post-Soviet Era. Excellence in Higher Education. 2010, 1: pp 57–68.
33. Toshtemir Majidov, Dipak Ghosh, Kobil Ruziev. Keeping up with Revolutions: Evolution of Higher Education in Uzbekistan. Stirling Economics Discussion Paper 2009-03 January 2009 Online at <http://www.economics.stir.ac.uk>,
34. Gulzhan Azimbayeva Comparing post-Soviet changes in higher education governance in Kazakhstan, Russia, and Uzbekistan., <https://doi.org/10.1080/2331186X.2017.1399968>
35. Юн С. М. Реформа и интернационализация высшего образования Узбекистана при Президенте Ш.М. Мирзиёеве. //ВестникТ омского государственного университета. История. 2019. №62 С.141-152.;
36. Троицкий Е.Ф., Юн С.М. Узбекистан: новый этап интернационализации высшего образования // Высшее образование в России. 2021. Т. 30. №10.С.157–168.DOI:10.31992/0869-3617-2021-30-10-157-168